


I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь-декабрь ойлари давомида вилоятнинг асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий хажми миллий валютада 3052,0 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръти 103,7 фоизни ташкил этди.


Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ЯҲМдаги улуши 28,9 фоизни ташкил қилиб, 2016 йил январь–декабрь ойлари (29,7 фоиз)га нисбатан 0,8 фоизга камайди.

**2017 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг
ЯҲМ даги улуши**




**Асосий капиталга киритилган марказлашган ва марказлашмаган
инвестицияларнинг улушлари**

2016 йил январь-декабрь



2017 йил январь-декабрь



- Марказлашган
- Марказлашмаган


Вилоатда 2017 йилда асосий капиталга киритилган марказлашган инвестициялар 1233,8 млрд. сўмни, ўсиш суръати, 137,0 фоиз (жами ҳажмдаги улуши 40,4 фоиз)ни ташкил этди. Марказлашмаган инвестициялар ҳажми

2017 йилда 1818,1 млрд сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 89,9 фоиз (жами ҳажмдаги улуши 59,6 фоиз)ни ташкил этди.

Молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	3052,0	103,7	100,0
<i>шу жумладан</i>			
Марказлашган инвестициялар:	1233,8	137,0	40,4
бюджет маблағлари	115,5	164,3	3,8
давлат мақсадли фонд маблағлари	119,7	53,8	3,9
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
хўкумат кафолати остида чет эл кредитлари	998,7	164,4	32,7
Марказлашмаган инвестициялар	1818,1	89,9	59,6
корхоналарнинг ўз маблағлари	516,6	94,8	16,9
аҳоли маблағлари	771,0	101,0	25,4
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	89,7	60,9	2,9
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	440,8	76,3	14,4

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши (фоизда)




2017 йил январь-декабрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	3052,0	627,4	2424,6
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	62,5	86,6	56,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	28,3	10,8	32,9
Бошқа ҳаражатлар	9,2	2,6	10,9


Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-декабрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 2,4 фоизли пунктга кўпайди, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 7,1 фоизли пунктга кўпайган бошқа ҳаражатларнинг улуши 5,2 фоизли пунктга камайган.

**Асосий капиталган киритилгандын инвестициялар ва
кредитларни иқтисодий фаолият турлари бүйича
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

Январь-декабрь



Январь-декабрь



■ Уй-жой қурилиши

■ Ташиш ва сақлаш

■ Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш

■ Ишлаб чикариш саноати

■ Бошқа фаолият турлари

■ Улгуржи ва чакана савдо, моторлы транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш

■ Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида

- █ Қурилиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Профессионал, илмий ва техник фаолият
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш

2017 йил январь-декабрь ойларида умумий майдони 1078,9 минг кв.м. бўлган 9461 та (2016 йил январь-декабрь ойлари якунига нисбатан 93,3 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 783,9 минг кв.м (83,8 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 841,6 млрд. сўми ёки 53,4 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш ва қайта таъмирлашда 48,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган жами инвестицияларнинг 3,1 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш обьектларини қуриш ва реконструкция ишларида 50,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,2 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 272,9 км узунликдаги ичимлик суви, 6,6 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-декабрь ойлари якунига нисбатан мос равишда 102,2 ва 17,8 фоизни ташкил қилди.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 2875,5 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 82,7 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-декабрь ойларида 1552,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 107,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 69,8 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 8,1 фоизи фуқаролик қурилиши обьектларини қуриш бўйича

курилиш ишлари ва 11,4 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига түғри келди. Шу жумладан бажарилган умумий ҳажмнинг 78,9 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга түғри келади.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан
бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1492,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96,1 фоизни (2016 йил январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 107,5 фоизни) ташкил қилди.

